

ЭРТАГА ТОШКЕНТДА ХVIII ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАЙДИ

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

№ 14 (2909)
ДУШАНБА
19 ЯНВАР 1976 й.
Газета 1966 йил 1
июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ОПРАВДА
сахифаларида

«Матбанинг катта
вазифалари» — газета
нинг биринчи ярим йил
лик йиллик бағиш
ланган бугунги бош
матбада.

КПСС XXV съезди
очилган кун — 24
февралга бир ойдан
кўпроқ вақт қолди. Ана
шу сана йиллашган
сари социалистик му
собақа тобора қизғин
олимпиада, партия тус
шарафига эришган
меҳнат зафарлари «ха
қидаги хабарлар» кўпа
йиб бормоқда.

Газетанинг социалистик
муСОБАҚА бағишланган
унинчи сахифасида
съездодди зарбдор вах
тасининг боғиши ҳақи
да хикоя қилинди.

• Сўз—конференция делегатларига Автомобиллардан тўла фойдаланамиз

С. П. ВАСИЛЕНКО, «Глававтошкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, коммуналхўжаликнинг тўққиз автомобиль корхонаси, авторемонт заводи, ўқув комбинати коллективлари юк ташвиш давлат планини муддатидан илгари—1975 йил 21 ноябрда бажардилар. Беш йил давомидида пландан ташқари 3 миллион тоннадан зиёд қурилиш юкларини ташиб берилди. 1975 йил топириги мажбуриятда белгилангандан тўрт кун илгари адо этилди. 74 ҳайдовчилар бригадаси тўққизинчи беш йиллик топириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Д. Любченко, А. Расулов, И. Дондов, Л. Ивашкевич бошлик бригадалар эса беш йиллик планни 3 йил 8 ойда адо этидилар.

Бу муваффақиятларга биз қандай қилиб эришдик? План ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаган биринчи ва энг муҳим омил бу автомобиль корхоналаримизнинг, авторемонт заводининг ва бутун бошқарма коллективининг планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги усулига ўтказилганлиги бўлди. Бу усулга ўтишни биз 1974 йилнинг бошларида тўла тугатдик. Иқтисодий реформа ва бошқармаларнинг ишлаб чиқариш

корхонасига айлантирилиш коллективизмига «Глававтошкентстрой» қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда республика мусобақасида иштирок этиш имконини берди. Автомобиль корхоналари, автоколониалар, бригадалар, цехлар, участкалар ўртасидаги, ҳайдовчиларнинг ўзаро кенг қўл оч ёйган социалистик мусобақаси иккинчи муҳим омил бўлди. Бизнинг ички резервларимиз — автоприцеп ва автопоездлардан самарали фойдаланиш, ҳам операциялар жараёнида автомобиль транспортларининг бекор турлини қисқартириш, автомобиль ресурсларидан тўлақис фойдаланиш, бўш қатновни қамайтириш ҳам коллективизмга катта ёрдам берди.

Биз — хўжалик раҳбарлари, партия, касба союз ва комсомол ташкилотлари кундалик фаолиятимизда ҳар бир автотранспорт ходимида коллективдаги ишларнинг ҳақини учун масъулият ҳиссини тарбиялашга, уларнинг ҳар бир ишга жиддий ёндашмишга эътибор берилди. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносив кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарори» эълон қилингандан сўнг коллективизмга социалистик му

СОБАҚА айнақса авж олиб кетди. Партия ва ҳукуматимизнинг автомобиль транспорти, ҳодимларига ғамхўрлигига жавобан яқинда коллективизмда яна бир ташаббус туғилди: коллектив унинг беш йиллик биринчи йили юк ташвиш планини. Автомобиль транспорт ходимлари кун—1975 йил 31 октябргача бажаришга адо қилди. КПСС Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленумининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги қарори барча бўлинмаларда кенг муҳокама қилинди. Бошқарма аппаратини қисқартириш, автомобиль хўжалик структурасини такомиллаштириш мақсадида шу йил 1 январдан 1 ва 7-автомобиль корхоналари бирлаштирилди. Фақат бошқарма аппаратидаги қисқаришларнинг эътибори 200 минг сум фойда берди. Унинг беш йиллик «Глававтошкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси олдига катта ва масъулиятли вазифалар турбди. Коллективизм шаҳар қурилишларини зарур материаллар билан ўз вақтида, улуғлиқ таъминлаб туриш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Чилонзор ва Фрунзе районлари меҳнатқиларни коллективлари ва жамоатчилигининг янги Тошкентни бунёд этиш бошланганлигининг 10 йиллигига ўй-йўш, ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларнинг сақланишини яхшилаш, районни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ташаббусларини маъқуллади. 1976 йилнинг 20 январидан 20 апрелгача бўлган даврда шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун ойлигини ўтказишга қарор қилинди. Район партия комитетлари, район Советларининг ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бўлинмалари, бошқармалари ва трестлари, шаҳардаги корхона ва ташкилотларга тегишли тadbирларни беш кунлик муддат ичиде ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш тақлиф этилди. Ҳар бир корхона ва ташкилот участкаларга бириктириб қўйилди. Бу участкалар намунали даражада сақланиши керак. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш бош бошқармаси, «Глававтошкентстрой» ва бошқа қурилиш ташкилотлари қурилиш майдонларидан чиқадиган барча жойларда юзвчи воситаларни ўрнаткишлари, қурилишларнинг ўраб олинган территориялари ҳолатини қатъий кузатиб туришлари, ўтиш йўлларининг ифлосланишига йўл қўймасликлари керак. Меҳнатқилар депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, ободонлаштириш бош бошқармаси йўллар, йўлчаларни янада яхшилаш, уй-жой фондларида озодгарчилик ва тартибни ўрнаткиш, бинолар, балкони, ҳовлилар, ўйин ва спорт майдонларининг ташқи кўринишини ях

шилашни таъминлаш юзасидан қўшимча тadbирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари керак. Шаҳарда қурилиш ишларини олиб бораётган «Глававтошкентстрой» трест ва бошқармаларнинг, бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари типовой тўққиз ўрнаткишлари зарур, зарур бўлган жойларда бундай тўққизларни ремонт қилиш ва уларни буёш, қурилиш объектларидан тўққиз ва ичкидан яхшироқ таъминланган қондаларга қатъий риоя қилишлари керак. Шаҳар пассажир транспортининг ҳамма станция ва линия ишхотларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, йўловчилар транспорт кутадиган майдонлар ва охири бекатлари ободонлаштириш даркор. Ўзбекистон КП район комитетлари, район Советларининг ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлинмалари, бошқармалари ва трестлари, партия ва касба союз ташкилотларининг раҳбарлари, министрликлар ва идоралар, уй-жой органлари, маҳалла ва уй комитетлари коллективлар ўртасида уларни ободонлаштириш учун ойлигини да актив иштирок этишга жалб этиш бўйича оммавий агитация ишларини кенг қўл оч ёйдиришлари зарур. Уч ойлик бўйича ишларни координириш ва тadbирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун шаҳар штаби ташкил этилди. Районларда, корхона ва ташкилотларда ҳам худди ана шундай штабларни ташкил этиш тақлиф қилинди. Айрим объектлар бўйича бажарилган ишлар учун конкрет масъул кишиларни белгилаш ҳам даркор. «Тошкент оқшом» ва «Бечерий Ташкент» газеталарининг редакциялари уч ойликнинг боғишини кенг ёритиш тақлиф этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ГЎЗАЛ ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

ЧИЛОНЗОР ВА ФРУНЗЕ РАЙОНЛАРИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ, ТУРАР ЖОЙ ХЎЖАЛИГИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ БАРЧА ШАҲАР АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Бутун совет халқи гўят кўтаринки руҳ билан КПСС XXV съездида тайёргарлик қилмоқда. Барча меҳнат коллективлари «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳасида белгиланган коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаб беришди. Жамият учун ҳар биримиз қанчалик кўп кучини, қабилани, маҳорат ва меҳнатини сарф этмас моҳир қўллар, ақл ва иқдомимиз мева-си шунчалик сўғай бўлишини ҳаммамиз яхши билимиз. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас: партия режалари — халқ режалари, унинг амалга ошган орозу ва интилишидир.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг Тошкент ва тошкентликлар ҳақидаги доимий ғамхўрлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР пойтахти тобора ободонлаштириш, аҳолисининг фаровонлиги улуғлиқ охири борапти. Ана шу оғла-ларча ғамхўрликка жавобан шаҳарнинг меҳнатқиларини ўқитиш беш йиллик вазифалари таъминлашга қатъий ҳал этиш учун барча ре-зёрлар ва илкомиятлардан фойдаланишга инти-либ, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишди. Барча ишлаб чиқариш коллективларида мамлакатимиз коммунистларининг бўлаёган анжуманини муносив кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қўл оч ёймоқда, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинган.

Бу йил тошкентликлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Ўн йил муқаддам янги Тошкент қурилиши бошланган эди. Келинг, фикран ана шу ўтган йилларга бир нигоҳ таштай-лик. Хамшаҳарларимиз юз берган уздуғор ўзгаришларини ўз кўзлари билан аққол кўриб туришбди. Ана шу йилларда Москва, Ленинград, Ватанимиз барча қардош республика-лари қурувчиларининг, совет жангчиларининг, Тошкент қурувчиларининг олтин қўл-лари билан бунёд этилган кенг проеспектлар, замонавий турар жой кварталлари, осмону-пар бинолар, янги майдон ва хибоблар со-циалистик жамиятимиз учун, кўп миллатли Ватанимиз халқларининг буюк дўстлиги учун фахрланни ҳис-туйғуларини уйғотди.

Эндиликда, Ўзбекистон пойтахти тўла маъ-нода қайтадан қурилади, деса бўлади. Унинг архитектура қиёфаси ҳозирги замон шаҳарсо-зилигининг энг жиддий талабларига ҳам жавоб беради. Тошкент маркази архитектурасининг юксак баҳога сазовор бўлганлиги — лойиҳа муаллифлари ва қурувчилар 1975 йил Да-лаш муқофотида сазовор бўлганлиги ана шун-дан далолат беради.

Бизнинг районларимизда ҳам ўтган ўн йил ичида катта ўзгаришлар бўй берди. Янги турар жой бинолари, мактаблар, бо-лалар боғчалари, медицина муассасалари, кенг магистраллар, кўприк ва ўтиш йўллари унинг ҳуснига ҳус қўшди. Маъмури ўзгариш-лар пойтахт архитектураси, қурувчилари, ишчилари улкан меҳнатининг самарасидир. Тошкент ой сайин, кун сайин чирой охиб борапти. Бошланган ўннинг беш йиллигиде янги турар жой кварталлари, маданий-маи-ший муассасалар бунёд этилди, кенг тран-спорт магистралари ўтказилди, янги савдо ва маиший хизмат корхоналари қурилади. Буларнинг ҳаммаси бош мақсадга: тошкент-ликлар моддий ва маданий турмуши сависин-ки кўтаришга қаратилган.

Шаҳарнинг ривожланиши, унинг ташқи

қиёфаси яхшиланган бориши кўп жиҳатдан бизга — шаҳар аҳолисига боғлиқдир. Биз те-варак атрофимизни ўраб турган нарсаларга ҳамиша эҳтиёткорлик билан, авайлаб муноса-батда бўламизми? Уйларимиз, кўчаларимиз, кварталларимиз янада гўзал бўлиши учун қў-лимиздан келган барча ишларни қилаёми-ми? Очигини айтганда — барча ишларни қи-лаётганимиз.

Мама, қурувчиларимизнинг меҳнатсевар қўллари билан Шота Руставели, Фарход, Чи-лонзор, Волгоград кўчаларида бунёд этилган аконийб уйлар қад ростлаб турибди. Бинолар-нинг атрофи, уйлар озода, чор атрофда гул-зорлар барпо этилган, дарахтлар ўтказилган, балконилар кўзни қувонтирилади. Аммо, Ўзе-бекистон пойтахти кўрғани кўри қўиши ўрнига унга доғ ташлаб турган кўчалар, уйлар ҳам йўқ эмас. Уйларга кириваришдаги эшиклар-нинг, ойналар йўқ, деворларнинг шувонг-тушиб кетган, балконилар ночор аҳволда. Халқ бойлигига ана шундай муносабатда бўлиш билан муроСа қилиб бўладими? Айрим киши-ларнинг жамият мулкига бундай бағрик қара-шига, уни синдириши, бузишига йўл қўйиб бўладими?

Биз ўз хулқи билан ўнлаб ва юзлаб киши-ларнинг меҳнатини оёқ ости қилаётган киши-ларга ҳам сўз билан, ҳам амалий таъсир ўт-казишимиз лозим.

Вақтинчалик кўп қисмини биз ўз уйимиз-да, ўз ҳовлимизда ўтказамиз, агар биз улар-ни ободонлаштириш тўғрисида кўпроқ ғам-хўрлик қиладиган, эътибор берадиган бўлсак, шунчалик тўзланган ва яхши дам олган бў-ламиз. Шунинг учун биз барча ҳамшаҳарла-римизнинг турар жой масалаларида, маҳалла-ларда, кўчаларда озодлик ва тартиб ўрна-тишда актив иштирок этишга даъват этилди. Уларимиз ташқи қиёфаси кўзни қувонти-ринсин!

Биз шаҳарни янада кўкаламзорлаштириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишимиз ке-рак. Чилонзор районини корхона ва ташкило-ларининг коллективлари яхши ташаббус билан қишди. Улар ўз кучлари билан шаҳри-мизда энг йирин Ўзбекистон 50 йиллиги но-ми маданият ва истироҳат боғини бунёд этиш-га аҳд қилдилар. Шаҳримиз бошқа райо-ларнинг коллективлари ҳам ана шу олийжа-ноб ташаббусдан ўйнаб олиб, жамоатчилик асосида меҳнатқиларининг янги дам олиш жойларини қура бошлашлари керак.

Кўнчица парваршишис қолган «яшил дўст-ларимиз» қўриб қолайти. Шунинг учун ўт-казилган ёш нихолларга эътиборни сўсайти-риш асло мумкин эмас. Ёш дарахтларни ўсиб, воёга етгунча авайлаб парвартириш, эҳтиёт қилиш керак.

Балкониларимизнинг аҳволига алоҳида эъ-тиборингизни жалб этишни истар эдик. Улар кўчалар, турар жой масаллари, районлар ва умуман шаҳримиз қиёфасини кўп жиҳатдан белгилайди. Балконилар доимо кузатиб боли-са, уларда ортиқча нарсалар бўлмаса, аксия-ча гуллар билан безатилган, кўкаламзор бў-ла-са бутун уй кўнчилигини қувонтиради. Бирок, афсуски, кўнчица биз мутлақо бошқа маназарни кўрамиз. Айрим ойналар ўзбошимчалик билан балконида ром билан тўсиб олишяпти, ҳар хил ортиқча буюмлар билан тўлдириб, биноларнинг архитектура қиёфасига нўтур етказишяпти.

Қадри дўстлар! Жонажон шаҳримиз кўрн ва ободлиги Сиз билан бизга, бизнинг сарфшайлигимизга, халқ

мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бў-лишимизга боғлиқ. Шундай экан, Ўзбекистон пойтахтини мамлакатимизнинг энг озода ва кўкаламзор шаҳарларидан бирига айланти-риш ишига ҳар бир тошкентлик ўз ҳиссасини қўшисин.

Биз «Тошкент оқшом» газетасининг ўтган йил 13 декабрь сониде эълон қилинган меҳ-нат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари, шаҳримиз дондор кишиларининг Ўзбекистон пойтахти барча аҳолисига охиш хатига баён этилган фикрларига тўла қўшилишамиз. Улар «Ишонсин ўраб турган ҳамма нарсга гўзал, жо-зибали бўлиши керак. Биз ахир ўзимиз учун қулайлиқни ўз кўларимиз билан йратишми. Шунинг учун ҳам фақатгина ўз нартларимиз ҳақида эмас, ўй, подезд балкон, кўча, маҳал-ла ҳақида ҳам қайғуришимиз керак», деб жуда тўғри айтишган.

Шаҳарликларнинг жонажон пойтахтларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишида мунтазам иштирок этишни Тошкентда яхши анъана бўлиб қолди. Ана шу оммавий хашарларини давом эттириш керак. Ҳар бир тошкентлик жонажон шаҳримизда тозалик ва тартиб ўрнаткиш ишига ўзининг меҳнат ҳис-сасини қўшисин.

Биз 20 январдан ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш учун ойлигини бошлашга, ҳар бир тошкентликнинг янги Тошкент қурилиши бошланганлигининг 10 йиллиги шарафига шаоабил ва яхшибакиларда 50 соат иш-лаб беришга даъват этилди.

Биз шаҳримиз саноат корхоналари, қури-лиш ташкилотлари, лойиҳа ва илмий тадиқ-лот институтлари, барча муассасаларининг кол-лективларида ўзингиз ишлаётган уйлارга бир назар ташланг, деб муҳромат қиламиз. Улар-нинг ташқи қиёфаси янада кўркам бўлиши учун нималар қилиш кераклиги ўзингизга дарҳол аён бўлади.

Биз пойтахт комсомол ва ёшларини, сту-дентларини, мактаб ва техникумларнинг, су-нар-техника билим юртларининг ўқувчилари-ни шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш бўйича барча ишларда актив иш-тирок этишга, ана шу ишда комсомол ғайри-ти ва ёшлик ишкотиини намойиш этишга, катталар қўли билан яратилган бойликларни эъзозлашга, ҳар бир ёш дархат ва ишл ил-ҳолни авайлаб парвартириш қилишга даъват эти-ламиз.

Биз ҳурматли пенсонерлардан, жамоатчи-активлардан ана шу муҳим ишга ҳисса қў-ишларини илтимос қиламиз. Ҳар бир уйда ободончилик ишларига раҳбарлик қиладиган, барча аҳолини ҳаҳарда иштирок этишга жалб этадиган ташаббускор группа ташкил қилиш лозим.

Қадри тошкентликлар, биз Сизларни сув-ин тежаб сарфлашга даъват этимиз. Чунки, ҳали ҳам қанчалар сувнинг беқора оқиб ёганини, унинг ҳеч қандай зарарсиз исроф бўлаётганини тез-тез кўриш мумкин. Сувин тежаб сарфлаш яхши одатга айланиши ло-зим.

Биз маҳалла комитетларининг, ЖКЛар-нинг активларини Ўзбекистон пойтахти сода-лиги ва кўркамлиги учун қорининг ташки-лотчилиги бўлишга даъват этимиз.

Қадри тошкентликлар! Серкуёш Ўзбекистон пойтахтининг комму-нистик меҳнат ва турмуш шахрига айланиши кўп жиҳатдан бизнинг ташаббусимизга, ижо-дий активлигимиз, куч-ғайратимизга боғлиқ-дир.

Ушбу муроаат Фрунзе ва Чилонзор рай-онлари партия-хўжалик активларида қабул қилинган.

Бригада пудратига— кенг йўл

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
11-«Виситор» трести
69-қурилиш бошқармасининг
комплекс бригадаси бошлиғи

Бугунги кунда шахримиз-нинг ҳар бир бинокори эле-ноградиқ машҳур қурувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони Николай Злобиннинг илгор иш методини қўллаган-дан туриб, қурилиш ишлаб чи-қаришини янада такомиллаш-тириш, қурилиш ишлари суръ-атини ошириш, асосан, қури-лиш сифатини тубдан яхши-лаш мумкин эмаслигини пухта тушунади.

Шаҳримиздаги Бош қури-лиш бошқармасида бу илгор иш усулини кенгрок омма-лаштиришга кейинги йилларда катта аҳамият берилляпти. Ма-салан, ўтган йили Злобин ме-тоди бўйича 200 га яқин бригада коллективлари меҳ-нат қилди. Хўжалик хисобига ўтказилган бригадалар эриш-ган натижалар янги метод-нинг афзалликларини кўрсати-б, келгусида Тошкент қури-лишларида уни янада кенгрок оммалаштириш лозимлигини такозо этмоқда.

Бригада пудратининг кела-жаги қандай? Злобин методи қурилиш майдонларида катта ишонч билан тадиқ этилиши учун нималар қилиш лозим? Хўжалик хисобига ўтказилган бригадалар ишнинг тахлил қи-лиш ҳали бу борада ўнла тў-сиқ бўладиган жиддий қамчи-ликлар борлигини ҳам кўрс-атмоқда. Энг аввало қури-лиш бўлинмаларида ҳар доим ҳам йил давомида бутун иш мобайнида аниқ планлашти-ришга риоя қилинмаётган. На-тижада қурилишларни бино-корлик материаллари ва кон-струкциялари билан таъ-минлашда қамчиликлар, иш-чиларни бир объектдан бош-қасига ўтказиб юбориш ҳаби-ҳоллар юз беради.

Биз коммунист-қурувчи-лар ҳамма жойда планлашти-ришга қурилиш нормалари бажарилишини қатъий назорат қилиш учун қурашни қуяйти-ришимиз, қурилиш-хотам ишлари графикаларига жиддий риоя қилинишига оғишмай амал қилишимиз зарур. Кел-гусида ҳар бир бинокорнинг маҳоратини ошириб бориш борасида қурилишларнинг партия ташкилотлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Чунки, бригаданинг ҳар бир аъзоси юксак маҳоратга эга бўлмаса, ёки бир неча ара-лаш қурилиш касбларини ўз-лаштирмаган бўлса, бригада пудратининг муваффақиятли ўзлаштирилиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Сифат—диққат марказида

Алексей ХМЕЛЕВ,
«Ташхиссельмаш» заводнинг фрезерчиси.

Тўққизинчи беш йиллик кор-хона коллективига юқори унумдорликка ишлайдиган «ОВХ — 14» маркали чанга-лич-пуракичи машиналарини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлди. Янги кишлоқ хў-жа а л и қ машиналари да-ла меҳнатқиларининг игири-ни енгил қилмоқда. Машина-ларнинг қисиларини тай-ёрлаш технологияси киска-фурасларда ўзлаштирилди. Ишлаб чиқаришнинг юксак унумдорлигига ташкил этили-ши, участкаларни иқтисослаш-тириш бўйича амалга оширил-ган тadbирлар, коллективга а-грегатларни ярим поток мето-дида йиғиш имконини берди. Бундай тadbирларнинг амалга оширишда коммунистлар та-шаббускорлик кўрсатдилар. Натижа эса қувончли, «ОВХ — 14» машинаси кишлоқ хўжа-лиқ машиналарининг энг се-рунум ва такомиллашган деб тан олинди.

Ҳозир корхона коллективи олдида чангалич-пуракичи машиналарининг сифатини кескин ошириш вазифаси ту-рибди. Партия ташкилотининг ташаббуси билан заводда мах-сулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш технологияси-ни такомиллаштиришга қара-тилган тadbирлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар, оқи-бат натижада «ОВХ — 14» ма-шинасини Сифат белгисига таёйрлашга қаратилган.

Корхона коллективи да-ла меҳнатқиларининг «ОВХ — 14» машиналарига бўлган та-лабни тўла қондириш мақ-садида меҳнат қилмоқда. Шу-

нинг учун ҳам техника восита-ларининг сифатини яхшилаш билан машиналар ишлаб чи-қариш ҳажмининг ошириб боришимиз. Коммунист Ф. Гу-миров бошлик йиғувчи-слесар-лар бригадасининг коллектив а-грегатларининг сифатини йиғи-лишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш суръатини жа-даллаштириш бўйича қатор ютуқларни қўлга киритди. На-тижада битта агрегатнинг йи-шиш муддати 15—20 минутга тезлаштирилди.

Корхонамизда тўққизилар та-шаббусига биринчи бўлиб ке-талл кесувчи коммунист Б. Охунжонов қўшилган эди. У ишлаб чиқариш жараёнини янгила ташкил этиш, ички ре-зервларни қидириб топиш ҳи-СОБИГА вақтдан ўзиб меҳнат қилаётди. Темпирчи А. Аҳме-дов, термист Т. Нигматов ва би меҳнат илгорлари ҳам Б. Охунжонов ташаббуси изидан бормоқдалар.

Ўтган йили кишлоққа 4,5 мингдан зиёд машиналар ет-казиб берилди. Ҳисоблар шу-ни кўрсатдики, кишлоқ хўжа-лиқ ишларида авиация ўрни-га «ОВХ — 14» машинасини қўл-лаш ҳосилдорлигини 5—6 процент устирмоқда. Корхона-мизда таёйрланган битта ма-шина йилга минг сумликдан зиёд химёвий дориларни те-жаб қилиш имконини бермоқ-да. Машинада терилган пахта-нини ифлосланиш даражаси ҳам ўртача ўн беш процент-га қамайтирилди. Чангалич-пуракичи машиналарининг фойдаси ана шу рақамларда кўриниб турибди.



Тошкент области. Ўзбекистон қийим эрийдиган ва ўтга чидайди металллар комбинати цехларидан бирида.
Г. Пуш фотоси.

• Ободонлаштириш уч ойлигида актив иштирок этамиз

• Дам олиш зоналари— жамоатчилик кучи билан

• Балконида намунали тартиб ўрнатайлик

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА—ЗАРБДОР МЕХНАТ!

«Планнинг муддати-дан илгари бажарилиши учун оғишмай интилиш керак».

В. И. ЛЕНИН.

Ҳамза ва Куйбишев районлари меҳнаткашларининг 1976 йил, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилига қабул қилган ўзаро социалистик мусобақаси тўғрисидаги

ШАРТНОМА

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Улар Ҳамза район партия комитети мажлислар залига станоклар ёнида, қурилиш майдонлари ва конструкторлар бюросларида, лабораторияларда келишди. Ҳамза район партия ташкилотининг йилги таъинишлари орасида КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳасига амалий иш билан жавоб бериб, партиянинг катта анжуманини муносиб кутиб олиш, 1976 йил, беш йиллик топириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиққан қўйлаб ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари бор эди.

Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Т. Эргашев «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳаси ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» доклад қилиб, район меҳнаткашлари бу муҳим ҳужжатларни фал, амалий йўсинда муҳомада қилаётганлигини, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили учун юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкили-

масалалар ҳақида гапирди.

Йилги таъинишлари Куйбишев райони делегациясини мамнуният билан қутиб олди. Бу район меҳнаткашлари Ҳамза райони билан қўйлаб ишлаб чиқариш ишлари билан боғланганлар.

Йилги таъиниш сўзга чиққан Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари П. Юсупов район меҳнаткашлари номидан мусобақага қатнашганларни қўйлаб ишлаб чиқариш ишлари билан боғланганлар.

Партия ўнинчи беш йилликни самардорлик ва сифат беш йилликга айлантиришимиз лозимлигини таъкидлади. Мев коммунист бурчини ва ишчи коллективимиз олдидаги шахсий масъулиятини ҳис этиб, сифатга ишчи кифолати берган ҳолда, меҳнат унвондорлигини ўнинчи беш йилликда янги баъарав ўстириш бўйича мажбуриятлар қабул қилдим.

«Ташсельмаш» заводи слесарь-тунақасози, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты М. Мўйдинов, гуруч комбинати директори П. Пўлдошев, 3-қурилиш трестини партия комитети секретари И. Раҳмонбердиев ва бошқалар беш йилликдаги иш якунларини анализ қилиб, 1976 йилда давлат топириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ долзарб

Куйбишев район партия ташкилотининг йилги таъинишлари Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари П. Юсупов «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳаси ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» доклад қилиб, район меҳнаткашлари бу муҳим ҳужжатларни фал, амалий йўсинда муҳомада қилаётганлигини, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили учун юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкили-

Актив йилги таъинишлари Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Эргашев нутқ сўзлади.

Ҳамза ва Куйбишев районлари партия ташкилотлари актив йилги таъинишлари Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳужаев иштирок этди.

1975 йилдаги социалистик мусобақа якунлари бўйича Ҳамза райони голиб деб топилди.

Ҳамза району	Куйбишев району
20 декабрь	20 декабрь
35	17
1,6	2,0
85	80
2,200	1000
15	40
4	12
1,1	1,0
2	1
700	700
500	1400
4,200	4,800
500	200
3,300	1800
25 декабрь	24 декабрь
0,2	0,5
1,558	420
50	12
1160	240
25 декабрь	20 декабрь
5,000	100
300	300
5,800	3000
5,200	4,200
125	100
25 декабрь	25 декабрь
1,200	500
50	50
8,000	4,000

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича план бажарилади. 1976 йилга нисбатан меҳнат унвондорлигини ўсиши (процентларда) 1,6 2,0 85 80 2,200 1000 15 40 4 12 1,1 1,0 2 1 700 700 500 1400 4,200 4,800 500 200 3,300 1800 25 декабрь 24 декабрь 0,2 0,5 1,558 420 50 12 1160 240 25 декабрь 20 декабрь 5,000 100 300 300 5,800 3000 5,200 4,200 125 100 25 декабрь 25 декабрь 1,200 500 50 50 8,000 4,000

Цехлар, бригадалар ва ишчилар ўртасидаги шартноманинг бажарилишига ҳар унвондор, корхоналар ўртасидаги шартноманинг бажарилишига ҳар ойда якун ясаллади. РАЙОНЛАР ўртасидаги мажбурият шартноманинг бажарилишига ҳар кварталда якун ясаллади.

Т. ЭРГАШЕВ — Ўзбекистон КП Ҳамза район комитетининг секретари; М. ШОХБЕКОВ — Ҳамза район иккинчи секретари; Х. ШОНЕЪМАТОВ — Ўзбекистон ЛКСМ Ҳамза район комитетининг секретари; Б. ЕФРЕМОВ — «Ташсельмаш» заводининг йўналиш тоқари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; А. ДЕВЯТОВА — авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси фрезерчиси; И. ОРН. ПОВ — 1-ўйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати; Э. АЗАМАТОВ — 2-автопарк хайдоқчиси; П. ЮСУПОВ —

Ўзбекистон КП Куйбишев район комитетининг секретари; Б. АЛИЕВ — Куйбишев район иккинчи секретари; Б. МАМОНТОВ — Ўзбекистон ЛКСМ Куйбишев район комитетининг секретари; П. МИРЗААХМЕДОВ — трактор заводининг директори; Ж. РОЗИКОВ — «Тошпентнабель» заводи катта мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; А. ФАДИН — «Союзхлопкомаш» бirlашмаси машинасозлик заводи куюв цехининг мастери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати; А. НАЗАРОВ — 4-қурилиш трестини, 4-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи.

Биринчи «миллионер»

Республика авиаторлари орасида бу йилги биринчи «миллионер» «АН-24» ҳаво кемасининг командири Алексей Светличний бўлди. У ўзининг учувчилик йўлини бошлагандан буюн пассажирлар ташкилотларида маҳаллий линияларда январь ойидаги кунлардан бирда бир миллионини километр масофани учиб ўтди.

Авиация бўлимидаги бошқарувчи В. Болгаров эми «миллионер» билан танишди: «Экан, бундай дедингиз — бу киши ҳалол, маданиятли, ишончли учувчи. У ҳозир 38 ёшда. Бундай қараганда Светличний ўзининг биринчи миллион километр йўлини жуда узоқ вақт мобайнида учиб ўтгандек туюлади. Лекин унинг учиб стажидан гўржандан авиация академиясида ўқиган йилларини чиқариб ташлаш керак, у академияни ўқиган йили тамолади. Алексей Светличний «ИЛ-14» машиналарида парвоз қилди. Антонов самолётини мукамал билди. Эндиликда эса «ТУ-154» самолётини бошқаришни ҳам ўрганиб олди, ҳозирча Ўзбекистонда бундай ҳаво кемаси йўқ, лекин янги келажикда учувчиларимиз ана шу самолётларда парвоз қилишлариغا ишондилар.

Ўзбекистондаги «миллионерлар» орасида таъин бир муносиб киши келиб қўйилди. Вақти келиб, оғир машиналарнинг командири Алексей Александрович Алексеевич Кочнев ва Рем Кодирович Абдуллаевлар тўғрисида қандай яхши гаплар айтинган бўлса, Светличнийга ўхшаш кишилар тўғрисида ҳам шундай мактос сўзларини эшитиш мумкин бўлади. Ҳаво йўлларида Алексей Александрович Алексеевич тўққиз миллион километр, Рем Кодирович 5 миллион километр масофани босиб ўтди. Уларнинг экинчилари СССР гражданд авиацияси министриги системасида энг яхши экинча деган номини шараф билан оқламоқда.

Светличний ўзининг ёши улуғ ўрқоларига етиб олиш борасида дастлабки қадамни қўйди: ўтган йили унинг экинчиси «АН-24» самолётинида ишловчи учувчиларнинг мусобақасида голиб чиқди.

ЎзТАГ музбир, 2 тошкент 2. 19 ЯНВАРЬ, 1976 й.



Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқувчилик фабрикасининг комсомол-ёшлари КПСС XXV съезди шарафига смена топириқларини 105 процентдан ошириб бажариш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқдалар.

Э. Мирғисов фотоси.

«Малика» трикотаж фирмасининг депутатлар гуруписи Киров район Советининг тўққиз депутатидан ташкил тогган. Бу гуруппага корхона директори, район Советининг депутаты Қаҳрамон Собирович Сариев раислик қилмоқда. Халқ номзодларининг олиб бораётган ишлари кенг ва кўп қирралидир. Уларнинг вазифаларига турли хил масалалар кирди. Биз ана шу ҳақда сўз юритамиз...

20-мактаб хоналаридан бирига кечурунлари меҳнаткашлар сўз номзодлари билан суҳбатлашгани келди. Улар бу ерда илтимос, тақдир сўраб келишди. Навбатчилик қилаётган халқ номзодлари ҳам албатта уларнинг тақдир ва илтимосларига қўлоқ солидилар, кўларидан келган ёрдам ва масалаларини аямалдилар.

Шу кун Татяна Кардаш наватчилик қилар эди. Унинг ҳузурига биринчи бўлиб 307-боғча мудириси Т. Бойматовна кирди. «Малика» фирмаси бу боғчадан отақиди олган эди. У боғчадан зудлик билан ремонт қилиш кераклигини айтиди. Сўбат охирида Т. Кардаш илтимоси махсус дафтарга кайд қила туриб шундай деди: — Албатта, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Шундан кейин Софийа кўчасидаги 5, 7, 9-йўла ишловчилар келишди. Улар ҳам уларини ремонт қилишда ёрдам берилишини сўради. — Сизларнинг илтимосларингизни ёйиб олдим, депутатлар гуруппасининг раисиг айтман, — деди Т. Кардаш. — Эртаси кун Т. Кардаш Қаҳрамон Со-

Халқ номзодлари «Малика» фирмаси территориясини кўчаларда таъиниш ҳақида ҳам гапирди. 1975 йилнинг ўзигагина корхона атрофида 700 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчалари ўтказилди. Илгари ўтказилган дарахтларга шакл берилди. Ободонлаштириш ишларининг ҳаммаси панбалликларда ажарилади. Шу атрофдаги уйларда яшовчилар панбалликларда фаол қатнашдилар. Бунда депутатларнинг аризулиги ҳиссаси бор, албатта.

Депутат ишлаб чиқаришда

Сифат ҳақидаги ғамхўрлик

Шу билан бирга, депутатлар гуруппаси ишда меҳнат унвондорлигини ошириш, корхонада таъйинлаётган маҳсулот сифатини яхшилаш энг муҳим ғамхўрликлардан бири ҳисобланади. Фирмадаги кўпгина рационализаторлар халқ номзодлари томонидан кўлаб-қувватланмоқда. Натигада улар томонидан махсус машина конструктори қилинди. Бу машина андаза билан тур қиради. Янги машина тўғрисида ана шу операцияда меҳнат унвондорлигини

Олий ўкув юртларида

ОЛИМЛАР ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Шаҳримиз ва пойтахтда саноат корхоналарида «1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида лойиҳаси қизғин муҳомада қилинмоқда. Бу борада Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтини гуманитар фанлар кафедраларининг профессор-ўқитувчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Кунини кеча «Билим» жамияти йўлнамаси билан бир гуруппа олимлар Олмалик саноат шаҳри ишчилари ҳузурида бўлидилар. Тарих фанлари кандидати, доцент Х. Мухаммадқоносов, иқтисод фанлари кандидати, доцент С. Зайниддинов, ўқитувчилардан У. Қомилдодов, Б. Тўхтевларнинг 4-автомобиль ремонт заводида, улгуричи-холодильник бirlашмаси, мис-қўроғини комбинатларида ўтказган лекциялари ишчиларда катта қизиқиш уюғди.

Бир гуруппа олимлар эса Наманган, Фарғона, Марғилон шаҳар саноат корхоналарида лойиҳа муҳомадасида қатнашдилар.

Қ. МАЛИКОВ, ўқитувчи.

ЖАХОН ОИНАСИ

ИЛДАМ ҚАДАМ

БУХАРЕСТ. Руминияда ўтган беш йил мобайнида пўлат ишлаб чиқариш 3,6 миллион тонна қўйлаб, жами 10,1 миллион тоннага етди. Ишлаб чиқариш тез ўсиши билан бирга, унинг сифат структураси ҳам яхшиланмоқда. Беш йиллик бошида легирланган ва махсус пўлат ҳиссаси 6 процентни ташкил этган бўлса, ҳозир 10 процентга етди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Руминиянинг пўлат қўйиш саноатини ривожлантиришга катта ёрдам бериб келмоқдалар.

ИЛДАМ ҚАДАМ

Кореянинг муваффақиятлари

ПХЕНЬЯН. 1975 йил халқ Кореяси унвондор ишчи бўлди. Меҳнаткашлар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши планда

мўлжалланган олти йиллик планини муддатидан илгари бажаришда. Саноат халқ хўжалигини ривожлантиришга катта йўл қўйилди. Бунинг натижасида лойиҳага жуда кўп қимматли тақдирлар киритилди. Куба Компартиясининг йилида бўлиб ўтган I съезди бу лойиҳани маъқуллади.

Янги конституциянинг қабул қилиниши мамлакатда янги жамият қуриш йўлида муҳим босқич бўлиб, революция ғалабасидан кейин рўй берган кескин социал-иқтисодий ўзгаришларни қонуний тартибда муштамлайди.

Ишчилар манфаатлари йўлида

ДЕХЛН. Бу ерда хўжалик ишчилари деҳқонларини помешиклар министрларининг 27-йиллик сессияси ўз иштини тасмоллади. Ҳукуматнинг 20 банддан иборат программаси қондаларини янада изчиллик билан бажаришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Йўлнамалар, ҳамма шартларнинг қуч-гайратларини мувофиқлаштириб бориб, қишлоқ қилинди.

Сессияда хусусий корхоналарнинг асосий ишчиларини асосий ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик проблемаси, ишчиларнинг ҳуқуқларини бузишга қарши кураш масалалари муҳомада қилинди.

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

★ БЕРЛИН. Бу йил Германия Демократик Республикасининг экранида чет мамлакатларнинг қарийб 140 та энг фильм кўрсатилади. Булар орасида машҳур совет режиссёрлари С. Бондэрчук ва В. Шухшиннинг кинолелари, ҳам бор. Янги йилда бир қанча аъванвай кинофестиваллари — совет болалар ва ўсмирлар фильмлари ҳафталиги социалистик мамлакатлар ва бошқа бир қанча мамлакатлар фильмлари фестивали ўтказилди.

ГАВАНА. Куба театр санъати соҳасида жуда катта ўзгаришлар бўлиб бериб, 1973 йилда катининг маданий ҳаёти даме театри бор эди, қозир уларнинг сонини 13 тага етди. Лас-Вильяс вилоятида Кубадаги биринчи қишлоқ театри «Эскамбрай» группасининг тузилиши мамлакатнинг маданий ҳаётига катта таъсир қилди.

ЭНГ КАТТА «МАШИЙ УЙ»

БЕРЛИН. Карл-Маркс-штатт ақинидаги Берлау шаҳрида ГДРдаги энг катта «Маший уй» қуриб битказилди. Шаҳар аҳолиси ва тевақаратрофда яшовчи кишилар трикотаж кишимларни яматидан тортиб, кир ювиш машиналари ва ҳолодильникларини ремонт қилиришга бугун хизматларининг 76 туридан баҳраманд бўлмоқдалар. Унда яна ра пункти, кишим-кечек тиканган ателье ва ошхона очилган.

Икки йил ичида ГДРнинг бошқа бир қанча шаҳарларида ҳам шундай «Маший уй»лар қурилади.

(ТАСС).

ИТАЛИЯ. Рим шаҳрига эрамиздан олдинги 753 йилда асос солинган деб келинади. Яқинда бу фини қисман ўзгарди. Топилган археологик материаллар: қадимги биноларнинг қолдиқлари, дафин безилари, машина буюмлар Рим урнида олдин таъмин қилинганидан икки асрдан олдин қишлоқлар бўлганлигини кўрсатади.

СУРАТДА: археологик қазилмаларда топилган саркофаг.

АП — ТАСС фотоси.

ИТАЛИЯ. Рим шаҳрига эрамиздан олдинги 753 йилда асос солинган деб келинади. Яқинда бу фини қисман ўзгарди. Топилган археологик материаллар: қадимги биноларнинг қолдиқлари, дафин безилари, машина буюмлар Рим урнида олдин таъмин қилинганидан икки асрдан олдин қишлоқлар бўлганлигини кўрсатади.

СУРАТДА: археологик қазилмаларда топилган саркофаг.

АП — ТАСС фотоси.

